

Тақдимот

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси матни қирғиз тилига таржима қилинди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасининг тўлиқ матни Бишкек шаҳрида қирғиз тилида китоб шаклида чоп этилди.

Унинг тақдими то яқинда Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллигига бағишланган “Қирғизистон — Ўзбекистон ҳамкорлиги ривожланишининг янги уфқлари” мавзусидаги илмий-амалий конференция доирасида бўлиб ўтди. Конференцияда Қирғизистон ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Динара Кемелова бошчилигидаги ТИВ вакиллари, Фавкулдда ва муҳтор элчилар, ТИВ дипломатик академияси, Стратегик тадқиқотлар миллий институти, “Манас” қирғиз-турк университети, Қирғизистон миллий университети, Қирғизистон давлат университети, Қирғизистон халқаро университети раҳбарлари ҳамда профессор-ўқитувчилар қатнашди.

Тадбирда видеоконференцалоқа орқали Ўш давлат университети раҳбарияти, ўқитувчилари ва халқаро алоқалар факультети талабалари ҳам фаол иштирок этди.

Конференцияда сўзга чиққан Дипломатик академия профессори, элчи Ирина Оролбаеванинг айтишича, Ўзбекистон Президенти Мурожаатномасининг матни қирғиз тилида чоп қилиниши Қирғизистон жамоатчилигига қўшни мамлакатнинг муҳим сиёсий ҳужжатини



ўз она тилида ўрганиш имконини беради. — Мурожаатномани диққат билан ўрганиб, мен Қирғизистон ва Ўзбекистонда ривожланиш учун бир йўл мавжуд деган хулосага келдим, — деди элчи М. Оролбаева. — Шавкат Мирзиёевнинг кўплаб таклифлари Қирғизистон учун ҳам жуда долзарб. Китобни қизиқиб, мароқ билан ўқиб чиқдим.

«Жаҳон» АА.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ



Ортиқча сарф-харажатларнинг олдини олиш — ҳаётий зарурат

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг ййгилиши бўлиб ўтди. Унда Республика “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва “Нуроний” жамғармаси фаолларининг мамлакатимиз аҳолисига Мурожаатиди илгари сурилган тўй-маъракаларни ихчам ўтказиш, дабда-бабозлик ҳамда исрофгарчиликка барҳам беришга оид масалалар қўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, кейинги пайтларда тўйлар, оилавий тантаналар, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказишда ўзини кўз-кўз қилиш, ҳаддан зиёд исрофгарчиликка йўл қўйиш, атрофда яшаётган одамларнинг ҳол-аҳолини инобатга олмаслик, халқимизнинг урф-одатлари ва аъналарини менсимаслик каби салбий иллатлар кўзга ташланмоқда. Ачинарлиси, тўй-ҳашамлар билан боғлиқ ортиқча сарф-харажатлар минглаб оилаларнинг моддий аҳоли ёмонлашуви, жамиятимиздаги маънавий мухитнинг бузилишига олиб келаяпти.

Фракция аъзолари бу борадаги муаммоларни тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш

ҳамда амалиётга татбиқ этиш орқали бартараф қилиш вақти келганини таъкидладилар. Айни чоғда тўй маросимларини ўтказишнинг қатъий меъёр ҳамда мезонларини белгилаш ва уни амалга ошириш юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг аниқ механизмларини йўлга қўйиш зарурлиги айтиб ўтилди. Бу эса, депутатларнинг фикрича, жамиятда ижтимоий адолат ҳамда ижтимоий тенглик тамойилларининг қарор топишига, аҳоли орасида кескин табақаланишнинг олди олинишига хизмат қилади.

Муҳокамаларда тўй-маъракаларни юксак маънавий мезонларга муносиб тарзда ўтказиш, белгиланган меъёрларга қатъий риоя этиш борасида жамоатчилик фикрини шакллантириш ва тарғибот, тушунириш ишларининг самарадорлиги ҳамда таъсирчанлигини янада кучайтиришга ҳар бир депутат масъул эканлигига урғу берилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан депутатларнинг партия позициясида қатъий чиқадиган фикр-мулоҳазалари тингланди ва фракциянинг нуктаи назари белгилаб олинди.

Зиёда АШУРОВА.

Президент ташрифидан сўнг...

ЭРИШИЛГАН КЕЛИШУВЛАР ИККИ МАМЛАКАТ ТАРИХИДА МУҲИМ ҚАДАМДИР

Аввал хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоннинг таклифига биноан 9-10 март кунлари давлат ташрифи билан Душанбе шаҳрида бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг Тожикистонга давлат ташрифи қутилганидан ҳам самарали бўлди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, ҳал қилинмаган масала қолмади. Дарҳақиқат, музокаралар якунида икки мамлакат раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида Дўстлик ва яхши қўшниликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги Қўшма баёнот, Ўзбекистон — Тожикистон давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Бундан ташқари, савдо, иқтисодиёт, инвестиция, молия, транспорт ва транзит, қишлоқ ҳўжалиги, сув-энергетика, солиқ, божхона, туризм, фан-таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, хавфсизлик ва жиноятчиликка қарши куралиш соҳаларидаги ҳамкорлик ҳамда ҳудудлараро алоқаларни ривожлантиришга доир 27 ҳужжат имзоланди.

ЎАА муҳбири эришилган келишувлар натижаси ҳақида Ўзбекистон делегацияси аъзоларининг фикрлари билан қизикди:

Ачилбой РАМАТОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси: — Тожикистон Республикаси ҳудудий жойлашувиغا биноан мамлакатимизга чегара давлат ҳисобланади. Шундай экан, темир йўл ва автомобиль йўллари бир-бири билан боғлиқ. Яъни қўшни давлатнинг асосий юклари Ўзбекистон ҳудуди ор-

қали ўтади. Сўнгги йилларда Тожикистон томонининг юклари Ўзбекистон ҳудудидан айланиб ўтар эди. Давлатимиз раҳбарининг топширигига кўра, янги қатновлар йўлга қўйилди. Бу борада қўшни мамлакатга ўзига хос чеғирмалар тақдим қилдик ва бир тўхтамга келдик. Бу икки мамлакат иқтисодиётига катта фойда келтиради, деб ҳисоблаймиз.

Мамлакатларимиз ўртасида темир йўл қатновини йўлга қўйиш бўйича келишувга

эришилган эди. Давлатимиз раҳбарининг ташрифи доирасида Галаба — Амузанг — Хошади темир йўл линияси очилди. Таҳлилларга кўра, бу йўлдан миллионлаб аҳоли фойдаланиши мумкин. Шундай экан, бу борадаги ишлар изчил давом эттирилади.

Жамшид ХўЖАЕВ, Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо вазيري: — Ўзбекистон Президентининг Тожикистонга давлат ташрифи доирасида ташкил қилинган учрашувлар, мулоқотлар самимий ва ўзаро ишонч руҳида ўтди. Мисол учун, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўرғазмаси ва бизнес-форум натижасига кўра, 200 миллион доллардан ортиқ шартномалар имзоланди. Кўрғазмада юртимизнинг 100 дан зиёд корхоналари ўзининг мингдан ортиқ маҳсулотлари билан иштирок этмоқда. Давлат раҳбарларининг учрашувида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо айланмасини бир миллиард долларга етказиш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

(Давоми 2-бетда).



Хорижлик экспертлар: «Минтақадаги вазият Ўзбекистоннинг жадал сиёсати натижасида ижобий ўзгаришларга юз тутмоқда»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга амалга оширган давлат ташрифи хорижда катта қизиқиш уйғотди. Чет эл сиёсий, ишбилармон ва эксперт-таҳлил доиралари Душанбеда бўлиб ўтган Ўзбекистон — Тожикистон музокараларини диққат билан кузатди. Қуйида хорижлик баъзи мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларини келтираемиз.

ЭЪТИРОФ



Кристиан ВЕБЕР, Бремен шаҳри ҳудудий парламенти президенти (Германия): — Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келиши билан Ўзбекистондаги вазият тезкор равишда ижобий томонга ўзгармоқда. Тошкент ўз ташқи сиёсий фаолиятини жадаллаштириб, айниқса, қўшнилар билан муносабатларда қисқа муддатда катта юксалишга эришди.

Ўзбекистон тўғри йўлда ҳаракатланмоқдаки, қўлга киритилган ижобий натижалар бунга яққол исботлайди. Хусусан, Ўзбекистон раҳбарининг Тожикистонга давлат ташрифи тарихий воқеа бўлгани баробарида, икки томонлама муносабатларда янги имкониятларни очишига шубҳа йўқ.

Биз Президент Шавкат Мирзиёевнинг кучли ислохотчи ва узоқни кўра биладиган сиёсатчи эканига ишонч ҳосил қилаёلمиз. Унинг бошчилигида олиб борилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаймиз. Zero, бу ташаббуслар минтақада тинчлик, осийшталлик ҳамда тараққиётни таъминлашга хизмат қилади.

Беате ЭШМЕНТ, Шарқий Европа ва халқаро тадқиқотлар маркази илмий ходими (Германия):



— Эксперт доиралар Ўзбекистоннинг янгиланган ташқи сиёсати, айниқса, қўшнилар билан муносабатлардаги ўзгаришларни тўла қўллаб-қувватлашмоқда. Душанбеда бўлиб ўтган олий даражадаги Ўзбекистон — Тожикистон музокаралари, сўнгги йилларда Марказий Осиёда шаклланаётган вазиятни ҳисобга олган ҳолда, мен учун деярли мўъжиза бўлди. Бир неча йиллар аввал бундай воқеаларни ҳатто тасаввур ҳам этиб бўлмадди.

Ўзбекистон қўшни давлатлар билан яхши муносабатларни йўлга қўйиш бўйича ташаббусни ўз қўлига олиб, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун чоратадбирларни амалга ошираётгани эътиборга молик.

(Давоми 2-бетда).

Қўшни давлатлар муносабатларида янги саҳифа

Ўзбекистон ва Тожикистон Марказий Осиёдаги бири-бирига ҳамбарчас боғланган, қариндошлик ришталари билан мустаҳкамланган, тўй-маросимлари ҳамда урф-одатлари ўхшаш мамлакатлардир.

ДЕПУТАТ ФИКРИ

Бундан бир йил олдин Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўз нутқларининг бирида “20 йиллик қалин муз эритилиши керак. Шундан сўнг конструктив қўшничилик муносабатларини тикласга бўлади. Бу осон иш эмас, бунинг учун муайян вақт талаб этилади”, дея таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, ўтган даврда давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати туфайли икки мамлакат ўртасида йиллар давомида ййгилиб қолган гина-қудуратлар унутилиб, мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал қилиш йўлида жадал ҳаракат бошланди.

(Давоми 2-бетда).



Дунёнинг қайси чеккасидаги музейга борманг. Ўзбекистон тарихига оид экспонатлар энг ноёб ашёлар сифатида қадрланишига гувоҳ бўласиз. Жумладан, жаҳоннинг етакчи музейларидан бири бўлган Британия му-

Хайрат

зейида ҳам ана шундай манзарага дуч келасиз.

Яқинда Лондонда қатор учрашув ҳамда музокаралар ўтказган Ўзбекистон делегацияси Британия музейига ташриф буюрди. Ислон цивилизацияси маркази, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистонга оид хориж-

даги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази, Тошкент ислом университетининг Ислонмунослик илмий-тадқиқот маркази раҳбарларидан иборат делегацияни Британия музейи директори Хартвиг Фишер қабул қилди.

(Давоми 2-бетда).



Мирзо Улуғбек сув ичган пиёланинг сири нимада эди?

Музейлар инсоният тараққиётининг турли босқичларини намоён қилувчи, тарихни ойнадек акс эттирувчи масканлардир. Бундай маънавият гўшаларига ташриф буюрган киши борки, мазийни сарҳадсиз сайр қилади, ўзи учун олам-олам маъно ва хулоса олади.



(Давоми 2-бетда).



ЭРИШИЛГАН КЕЛИШУВЛАР ИККИ МАМЛАКАТ ТАРИХИДА МУҲИМ ҚАДАМДИР

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Энг муҳим жиҳати, Ўзбекистон ва Тожикистон вилоятлари ўртасида тўғридан-тўғри савдо алоқала-

рини йўлга қўйиш бўйича келишиб олинди. Бу мамлакатларимиз иктисодиётини ривожлантиришда муҳим қадам бўлиб хизмат қилади.

Шавкат ҲАМРОЕВ, Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалиги вазири:

— Тожикистон билан Амударё ҳамда Сирдарё сувларидан фойдаланиб келмоқдамиз. Сув ресурсларидан фойдаланишда халқаро меъёрларга амал қилиш талаб этилади. Бундан ташқари, табиатнинг бу неъматидан самарали фойдаланиш керак. 9-10 март кунлари икки давлат тарихида муҳим кун бўлиб қолди. Чунки сув ва энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида келишувга эришилди.

Шунингдек, гидроэлектр станциялари қуриш бўйича ҳам нуфузли комиссия тузишга келишиб олинди. Бу қарор нафақат икки мамлакат, балки бутун минтақа иқтисодиётининг ривожига салмоқли ҳисса қўшади. Янги қурилаётган гидроэлектр станцияси минтақанинг энергетикага бўлган талабини қондиради.

Туроб ЖўРАЕВ, Самарқанд вилояти ҳокими:

— Давлатимиз раҳбарининг Тожикистонга ташрифи тарихий аҳамият касб этди. Бу икки халқ ўртасидаги алоқаларнинг тақомиллашишида муҳим қадам бўлди. Музокаралар якунига кўра, Тожикистон Республикасининг Судъ ва Ўзбекистоннинг Самарқанд вилоятлари ҳокимларига кенг имкониятлар яратиб берилди. Энди муносабатларда ортиқча расмийчиликсиз, тўғридан-тўғри телефон орқали боғланиш, ўзларига маъқул бўлган вақтда икки томон ишбилармонлари ўртасида учрашувлар ўтказишга келишиб олинди. Бу-

нинг амалий натижаси сифатида жорий йилнинг апрель ойида Тожикистон тadbиркорлари билан учрашув бўлиб ўтди.

Ташриф доирасида жуда кўп самарали келишувларга эришилди. Биргина мисол: эришилган келишувга кўра, энди фуқаролар мамлакатларда ўттиз кунгача визасиз юриш имкониятига эга бўлади. Бу икки халқ вакилларининг азалдан йўлга қўйилган қариндошлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, қолаверса, туризмни ривожлантиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Эркин ТУРДИМОВ, Сурхондарё вилояти ҳокими:

— Давлатимиз раҳбарининг Тожикистонга олий даражадаги давлат ташрифи тарихий аҳамиятга эга бўлди. Бу нафақат икки давлат ўртасида, балки Марказий Осиё миқёсида ҳам эътироф этилмоқда.

Савдо-иқтисодий соҳаларда икки давлат имкониятлари етарли даражада ривожланимай қолган эди. Мамлакатлар энди бу борада ҳам ўзининг ҳақиқий кўрсаткичларини намоян қилади. Мен ташриф давомида турли соҳаларда имкониятлар

бўла туриб, алоқалар узилиб қолганининг гувоҳи бўлдим. Бу тарихий ташрифни икки халқ вакиллари ҳам интиқили билан кутган эди. Ташриф доирасида икки халқ манфаатларига тўла жавоб берадиган келишувларга эришилди. Фалаба — Амуларда — Хошода темир йўлининг очилиши муҳим ҳодиса бўлди. Сурхондарё вилояти Тожикистон билан чегара ҳудуд бўлганлиги учун бугундан бошлаб барча соҳада алоқаларни кенг миқёсда ривожлантираимиз.

Ботир ЗАРИПОВ, «Ўзқурилишматериаллари» АЖ бошқаруви раиси:

— Маълумки, мамлакатимизда минерал хом ашё ресурсларидан самарали фойдаланган ҳолда юздан зиёд қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Тожикистон Республикасининг Душанбе шаҳрида бўлиб ўтаётган Ўзбекистон саноат маҳсулотлари кўргазмасида 50 дан ортиқ турдаги қурилиш материаллари билан иштирок этмоқдамиз. Нобў қурилиш материаллари ҳисобланган гранит, мрамар, габбро, травертин

тошлари, деворбоп, томёқич материаллар, базаъи тошидан олинган арматуралар, қамиш ўсимлигидан ишланган ДСП каби маҳсулотларимиз тожикистонликларда катта қизиқниш уйғотди. Тожикистоннинг ўнлаб компания ва фирмалари бизнинг қурилиш материалларимизни олиш бўйича шартномалар имзолади.

ЎЗА мухбири Абу Бақр УРОЗОВ ёзиб олди.

1100 дан зиёд киши Ўзбекистон фуқароси бўлди

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Одамларни рози қилиш — ЭНГ муҳим талаб

“Инсоний вужуддан мақсад — бахт-саодатга эришувдир”, деб ёзган эди Абу Наср Форобий. Шарқ Уйғониш даврининг буюк мутафаккири фикрича, фозил одамлар шахри аҳолиси айнан шундай тақдирга муносиб. Ҳўш, орадан 1100 йил ўтиб бу қўхна ҳикмат ўз аҳамиятини йўқотдимми? Албатта, йўқ!

Юртимизда кечаётган янгила-нишлар моҳиятига тeранoрк назар ташласак, улар авваламбор, инсон кадр-қиммати, шаъни, манфaтига хизмaт қилaётгaни амин бўлaмиз. Зeрo, кaттаoу кичик раҳбарлар oлдига қўйилган давр талаби биттa: oдaмлaрни рози қилиш! Бунинг учун хaлқ oрасига чуқуrрoқ кириб бoриш лoзим. Дaвлатимиз раҳбарининг кaтъий дaъвaти — шy!

Ушбу жараёнда аёналашадик, юртдошларимизни қийнаб кeлaётган қўплаб масaлaлар eчилимай қoлаётган экан. Қарaнг, aстойдил киришилгани тyфaйли уларни самарали хaл этиш йўллари қўзга тaшлaнди. Хaлқ давлат идoрaлaридан кўп ҳoллaрда мамнун. Чyнки жaмиятда aдoлат ва ҳaқиқaтни aмaлдa тaъминлаш устувoр aҳaмият касб eтмoқдa.

Дaвлатимиз раҳбари oпa-сингиларимиз байрами кyнидаги нyтқидa кyнгилларни бeҳад шoд айлаган эзгулик хyсyсидa aлoҳида тўхталиб ўтди: ўтган бир ярим йилга яқин вақт ичида мамлакатимизда яшаб кeлaётган, лeкин фyқaрoлиги бўлмaган 1 минг 100 дан oртиқ шахслар Ўзбекистон фyқaрoлигини oлдди!

Шy ўринда чуқуr мyлoҳaзa юрyтиб қурайлик. Узоқ йиллар Вaтaн ичида “бeвaтaн” ҳaёт кeчиpган бyндaй қисмaт эгaлaри ҳaқида биз нимaларни билaмиз? Улар ким? Қaндaй yмр кeчиpишди?

Тақдирларни ўзгартирган воқеа

Ўзбекистон Республикаси паспортининг охириги саҳифасини очамиз. Унинг муқоваси ички қисмида шундай ёзув бор: “Пaспoрт Ўзбекистон Рeспyбликаси мyлкидир. Ушyбy пaспoртнинг эгаси Ўзбекистон Рeспyбликаси ҳyмoнaсидaдир”.

Табиийки, бу ҳужжат — миллионлаб ўзбекистонликларнинг чексиз гурури! Чyнки яшил мyқoвaли пa-

портимиз, аввало, мамлакатимиз ҳудудида йўлимизни очик қиладиган “яшил чирoқ”дек гап. Қoлaвeрcа, y хoрижгa қиқиш-кириш, сайлаш ҳамда сайланиш каби қўплаб ҳуқуқ ва эркинликларни тақдим қилади. Лeкин ҳамма ҳам aнa шy имкoниятдан бaҳpамaндимиди? Афсyски, айни пaйтгaчa минглаб азиз инсонлар тақдиридa вaтaнсизлик қисмaти ёзилган эди.

Яхшиси, қyвoнчли рақамларга мyрoжaaт eтaйлик. Президентимиз Фармoни чиққaнидан бyён биргина Хoрaзм вилoятида Ўзбекистон фyқaрoлигини oлган шахслар сoни рoппa-рoсa 200 нaфapгa eтди. Шyлардан бири Yрганч шaҳpидaги “Inform-Algo” хyсyсий кoрxoнaси бoш мyҳaндиси Умeд Жaббoрoвдир.

мизнинг ўтган ҳафтадаги давлат ташрифини қаранг. Тожикистон билан чегаралар очилганидан қанчадан-қанча одамлар бахтиёр. Икки қардош халқ ўртасида борди-келди алоқалари тиклангани чинакам тарихий воқеа бўлди. Шундай иқбол пешонамизга битилганига беадад шукроналар айтамиз.

Бу оламда ҳатто қушнинг ҳам ўз ошёни бор. Ҳар гиёҳу қўшнинг илдиз отган замин — унинг Ватани. Лекин тақдир тақозоси билан Ватанда бегонадек умр кечириш, одам бўлиб одамдек қадр топмаслик нақадар оғрикли? — Наманган вилоятида



Жонибек ҚЎЗИМУРОДОВ ва Жамшид ЁРБЕКОВ (ЎзА) олган суратлар.

Энди чекловларга ўрин йўқ

Салима Холдорова қўшни Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилоятида тутилган. Мактабни тамомлаб, 1987 — 1992 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика уни-верситетига таҳсил олган. Ўзбек йўлгитига турмушга чиққан. Ҳозир Навоий кон-металлургия комбина-ти музейида ишлайди.

— Онам эллик беш ёшида, алпомишдай укам Икболжон ўттиз уч ёшида бу ёруғ оламни тарк этди, — дейди Салима опа. — Шундан кейин отам букчайиб қолди. У кишининг холидан хабар олай, дердим-у, фуқаролигим йўқлиги боис қўплаб тўсиқларга дуч келаверардим. Устига-устак, чегаралар ёпиқ. Четга чиқиш учун қўшни давлатдан “таклифнома” келиши керак. Бу қанча оворагарчилиги сарсонлик эвазига қўлга киритилишини бошидан кечирган одам яхши билди. Давлат маҳкамаларида уч-тўрт ойлаб сарсону саргардон бўлиш осон эмас-да. “Таклифнома” қўлимга теккан, Тошкентга, Қирғизистон элчихонасига боришим, 100 — 150 АҚШ доллари тўлаб виза олишим керак бўларди. Ўзбекистон фуқароси бўлганимдан

бошим осмонга етаётган бир пайтда юртимиз билан қўшни давлат ўртасида қадимий алоқалар, яқин муносабатлар тикланди. Паспортимни қўлимга олғач, отам, яқинларим дийдорига қийналмасдан етадиган кунлар менга насиб этди. Шундай бир авойиб муҳит юзага келдики, чегарадан ўтказиш пунктларидаги инсонга бўлган муносабат, божхона ходимларининг эъзозли муомаласи, очиги, йўлга чиққан одамга қўн-қувват бераяпти, десам, муболага эмас.

Отам ҳовлисига кириб келганим захоти бамисоли байрам иштирокчисига айландим. Қўни-қўшнилари тўпланишган экан. Шунда улар мени, мен эса уларни дилдан соғинганимни ҳис қилдим. Энди тўсиқ йўқ, оворагарчилик йўқ. Давлатимиз раҳбари дўстлик кўпригини шундай мустаҳкам ўрнатиб қўйдик, унинг икки томонидagi халқлар бир-бирларига талпингани-талпинган. Айтишим керакки, фуқаролик паспортим қўлдан қўлга ўтиб талаш бўлиб кетди.

Тўғриси, айбга йўйманг, ичимда “Ишқилиб гард тегиб қолмасинда”, деб хавотирга тушдим. Дарор олдим-да, кўксимга босдим. Сабаби, у қадримни ифодаловчи бахтим, ҳаётим, эртанги куним, фахру ифтихорим!

Фаррух БЎТАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хорижлик экспертлар: «Минтақадаги вазият Ўзбекистоннинг жадал сиёсати натижасида ижобий ўзгаришларга юз тутмоқда»

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Масалан, узоқ йиллар мобайнида ишламаётган темир йўл линияси фойдаланишга топширилди. Янги чегара пунктлари очилди. Қариндошлар ҳамда қўшнилари ўртасидаги алоқалар тинчлик ва барқарорликнинг муҳим омили бўлиб, ҳар икки томоннинг иқтисодий тараққиётини янада таъминлайди.



Франсуа МАРК, “Alex Ce” компанияси президенти (Франция):

— Ривожланиш нуктаи назаридан, Ўзбекистон ҳамда Тожикистон кўп жаҳалларда бир-бирларини тўлдиради. Душанбега амалга оширилган давлат ташрифи ва музокаралар икки мамлакат алоқаларида жиддий юксалиш бўлди. Президентлар уч-

рашувининг натижалари ҳаётга таъбиқ этилиши тўғрйли яқин келажақда биз жиддий ўзгаришларни кўраимиз. Мазкур дўстона ҳамда конструктив мулоқот нафақат икки давлат, балки минтақанинг бошқа мамлакатлари ва хорижий сармоядорлар учун ҳам қўлай шарт-шароитлар яратди.

Европа иттифоқи ҳамда Европа мамлакатлари раҳбарияти Марказий Осиёнинг янги мавқеагн хисобга олади, деб умид қиламиз. Шунобарин, минтақадаги вазият Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жадал сиёсати натижасида ижобий ўзгаришларга юз тутмоқда.


Артур ГАШЕНКО, “Европа — Осиё — Медиа” журнали бош директори (Украина):

— Ташриф нафақат икки мамлакат муносабатлари ва минтақадаги вазият учун тарихий воқеа, балки дунё ҳамжамияти учун ҳам бекиёс намуна бўлди. Тошкент ҳамда Душанбе мулоқоти кўп йиллик келишмовчиликларни, ҳатто қатор халқаро тузилмалар ва ташкилотларнинг имкониятларини жалб этиб ҳам уларни ечиб бўлмасдек кўринса-да, хал қилиш мумкинлигини кўрсатди. Учрашув якунида имзоланган келишувларнинг деярли барчасини тарихий аҳамиятга молик, дейиш мумкин.

Ўзбекистон ҳамда Тожикистон етакчилари энг қийин масалаларни ҳал этишининг ягона йўли, бу — ўзаро ҳурмат, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш, ўз халқлари, минтақа мамлакатлари ва дунё олдидagi жавобгарлиқни ҳис қилишга асосланган бевосита мулоқотда эканлигини амалда исботлаб бердилар.

Анвор МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Мирзо Улугбек сув ичган пиёланинг сири нимада эди?



◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Британия музейида 8 миллион-тадан зиёд ашёлар жамланган бўлиб, ҳар йили бу ерга 7 миллион нафарга яқин кишилар ташриф буюради.

Аҳамиятлиси, музейда мамлакатимиз тарихига оид ўта нобъ экспонат — Мирзо Улугбек сув ичган пиёла сақланади. Узунлиги 15 сантиметр бўлган пиёла юзига “Улугбек Кўрагон” деб ёзилган. Пиёла яшил рангли нефрит тошдан ўта

мохирлик билан сайқалланган ҳолда ишланган. Унинг банди аждар шаклида бўлиб, оғзи пиёла учини тийшаган, оёқлари ерга тегиб туради. Пиёланинг оғиз тегарери лаб шаклида бўлиб, унга “Карамий Ҳаққа нихоят йўқдур (Аллоҳ таоло карамининг чеки йўқ)” деган ёзув битилган. Уша вақтлар нефрит Мовароуннаҳрда нобъ тош саналган. Пиёланинг нефритдан ишланганининг сабаби, у чамқоқ уришидан сақлаган. Энг асосийси, нефритга солинган захар ўз

таъсир кучини йўқотган. Натижада бундай пиёла эгалари ичимликни беҳавотир ича олган.

Учрашувда юртимизнинг қадими, бой тарихи, буюк аллома ҳамда мутафаккирларимизнинг бебаҳо илмий-маънавий мероси жаҳон тамаддунига бекиёс улуш қўшгани, бугун мамлакатимизда халқимизнинг чинакам ифтихори бўлган ана шу хазинани асраб-авайлаш, чуқур ўрганиш, унинг нобъ гоа ва кадриятларини истифода этган ҳолда, келажақ авлодга ҳам етказишга юксак эътибор қаратилаётгани алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда сўз олган Британия музейи масъуллари Жонатан Табб, Ладан Акабарниа, Фаҳмида Сулаймон, Жон Уиллямс ушбу ҳамкорлик икки томон учун ҳам гоят манфаатли эканини қайд этдилар.

— Менинг ҳаётимда Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон тарихини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлган, — дейди Яқин Шарқ тўплами раҳбари Жонатан Табб. — “Аму-

дарё хазинаси” деб номланган экспонатлар музейимизнинг юраги, десам, хато бўлмайди. Айни пайтда унинг янги каталоги устида иш олиб бораёламиз. Бунда Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорлик қилиш ниятида-миз.

Марказий Осиё маданий меросини тадқиқ этаётган яна бир олим Фаҳмида Сулаймон Ўзбекистоннинг бой маданияти ҳали ҳам дунёни ҳайратга солишга қодир эканини таъкидлаб, жумладан, шундай деди:

— Европа жамоатчилиги, айниқса, илмий доиралари “Исломо маданияти XIX асрга келиб ривожланишдан тўхтаган”, деган фикрни ёқлайди. Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистонга ташриф буюрган киши борки, бунинг ақсини кўради.

Британия музейи мутахассислари Ўзбекистон тарихига оид экспонатларнинг ёзув-шарҳларини юртимиз олимлари билан биргаликда тайёрлайдиган бўлди.

Учрашувда томонлар ўзаро ҳам-

корликни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканликларини изҳор этдилар. Музокаралар натижасида Британия музейи ходимларининг Ўзбекистонга сафарини ташкил этиш, ўзаро тажриба алмашишни йўлга қўйиш, музей фондида сақланаётган мамлакатимиз тарихига оид нодир экспонатларни тадқиқ қилиш, каталогларини яратиш, ўзбекистонлик мутахассисларнинг Британия музейида амалиёт ўташларини жорий этиш бўйича дастлабки келишувларга эришилди.

Британия музейи Мирзо Улугбек фойдаланган нодир пиёланинг нусхасини Ўзбекистон бюртамаси бўйича тайёрлаб беришга ҳозир эканини маълум қилди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги элчихонасида Британия музейи олимларининг мамлакатимиз музейшунослари билан онлайн маърузаларини йўлга қўйиш масаласи муҳокама этилди.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ тайёрлади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан
рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 345. 139 974 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ, Offset усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎЎЗМАЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА
МУАЛЛИҒГА ҚАЙТАРИЛМАЙДИ.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунави
расмийлаштириган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор
М. Бегмутов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатдан чоп этилишига
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.




• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Набатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5 6